

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

● 2009-yil ● 17-dekabr ● Payshanba ● 152-53 (30.113) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Сайловлар — кучли фуқаролик жамияти, демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

«САЙЛОВДАГИ БИРИНЧИ ИШТИРОКИМ»

Кеча Тошкент шаҳар сайлов комиссияси томонидан Тошкент давлат юридик институтида «Менинг сайловдаги биринчи иштироким» мавзуда давра суҳ-

бати ўтказилди. Унда сиёсий партияларнинг шаҳар кенгашлари раислари, сайловда овоз беришда биринчи бор қатнашадиган йигит-қизлар, олий ўқув юртлири талабалари иштирок этди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда мамла-

катимизда сайлов қонунчилиги такомиллашгани, сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилаётгани, фуқароларнинг овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритдилар. — Мамлакат парламенти ёки маҳаллий вакиллик органидаги ҳар бир ўринга бир нечтадан номзод тўғри келади, — деди Тошкент



шаҳар сайлов комиссияси раиси ўринбосари Машхура Шоисаева. — Фуқароларимизда истаган номзод учун эркин овоз бериш

ҳуқуқи бор. Шу орқали улар ўз номзодларига давлат вакиллик органларига маълум муддат давомида иштирок этиш учун ваколат берадилар. Бу фуқароларга ўзига яраша масъулият ҳам юклайди. Овоз бериш ҳуқуқига эга ҳар бир киши Ватан тақдирини, мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик тўғриси билан, эртанги кун учун жавобгарлиқни ҳис қилган ҳолда сайловда иштирок этишлари зарур, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, танлашда адашмаслик учун депутатликка номзодлар билан учрашувларда иштирок этишлари, уларнинг сайловдаги қарашлари, сиёсий партияларнинг дастурлари билан танишишлари керак, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКISTON ХДП — МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф ГУЛЯМОВ билан суҳбат

— Латиф Ёқубович, Бу йилги парламент сайловлари мазкур жараёнинг янада либераллашуви, янги мазмун касб этганлиги ва демократия жадал ривожланаётган бир швронда бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда Сизнинг фикрингизни билишни истардик.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, 2009 йилги сайловлар «аввало ... сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигининг ҳаётимиздаги тасдиғини синаш демократия».


Бу йилги сайлов мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадам бўлмоқда. Сайлов округларида депутатларни сайлаш жараёни айнан кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда ва унда ўз мақсад ҳамда ҳаракат дастурларига эга сиёсий партиялар иштирок этмоқда. Партиялар ўз номзодларини сайловчилар билан жойлардаги учрашувларини мустақил равишда ташкил қилмоқдалар, ташвиқот ишларининг шакли ва мазмунини ўзлари белгилайдилар. Сайловчиларнинг овозлари учун қурашда соғлом рақобатни таъминлаш

мақсадида партияларга тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратилганки, бу ўз навбатида, қонун устуворлиги ва унинг олдида барча тенг эканлиги тамойилининг ёрқин намоиши бўлмоқда.

Яқиний босқичга кирган сайлов жараёнининг муҳим хусусияти яна шундан ҳам иборатки, ўтган давр ичида мамлакатимиздаги фуқаролик жамиятининг етуқлик даражаси анча ортди. Аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик онги ҳам ошяпти. Кенг омма партиялар тақлиф этаётган дастурий мақсадларга ҳамда партиялар ўз дастурларини амалга оширишда эришган амалий натижаларга нисбатан анча талабчан бўлиб қолган.

Шу тариқа, Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари каби, сиёсий етуқлик борасидаги ўта масъулиятли имтиҳон олдида турибди. Бунда сайловчиларга нафақат эътиборга лойиқ дастурий мақсад ва широрларни тақдим этиш, балки депутат мандатига эга бўладиган номзодлариник кейинчалик уларга билдирилган юксак ишонччи мамлакат ривожига ва халқ фаровонлигига қўшилган катта ҳисса билан оқлашларини ҳам исботлашимиз керак.

(Давоми 2-бетда)



ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ — МУҲИМ МАСАЛА

Мен ўзимни бахтли инсон деб ҳисоблайман, чунки мана 18 йилдирки, республикаимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларга нафақат гувоҳ, балки бевосита иштирок этаялман. Бугунги кунда халқро ҳамжамият томонидан мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар эътироф этилаётганлигидан кўнглим фахр-ифтихорга тўлади.

Мамлакатимизда ҳар бир янги йилга ном бериш ва дастур қабул қилиш барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона ва муассасалар куч-имкониятларини муайян масалаларга сафарбар қилиш ўзига хос анъанага айланди. Бунинг замирида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифалар муҳимлашган. Шунинг учун ҳам бу воқеа нафақат мамлакат, балки ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳар бир янги йилга ном беришда ўтган йиллардаги сайё-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сақланаётганлиги, бир-бирини тўлдиряётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Давлат ҳар йили илгари қабул қилинган барча дастурлар ижросини таъминлаш учун маблағ ажратишни давом эттирмоқда. Юртбошимиз маърузасида ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ўзи-

Муносабат

нинг чуқур моҳияти ва мақсадлари билан барча олдинги дастурлар билан узвий боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу эзгу ишлар янги Баркамол авлод йилида ҳам давом эттирилади.

Президентимиз Фармоишида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Булар — таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, болалар спортини ва илм-фанни ривожлантириш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш кабилардир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ходими сифатида мен учун фарзандларимиз сийҳат-саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Инсон соғлигининг

фақатгина 15 фоизи соғлиқни сақлаш тизими, қолган 85 фоизи эса соғлом турмуш тарзи ва экологияга боғлиқ эканлиги бугунги кунда фан томонидан исботланган. Шундай экан, бизнинг устувор вазифаларимиздан бири бу — ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб уларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, фарзандларимиз ҳаётдан тамаки, спиртли ичимликлар каби зарарли иллатларни бутунлай сидириб ташлашимиз зарур.

2010 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига 1 триллион 700 миллиард сўм атрофида маблағ ажратишлигининг ўзи ҳам мамлакатимизда халқ саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатиб турибди. Бу маблағлар энг аввало, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник даражасини мустаҳкамлаш, медицина ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Элмира БОСИТХОНОВА, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси бош врач.

Евгений СЛОБОДА, МДХ Кузатувчилар миссияси штаби раҳбарининг ўринбосари:

— Мамлакатимизда сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўрилгани, барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдим. Сайловнинг очик ва ошқора ўтишини таъминлаш мақсадида кўплаб хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар тақлиф этилгани диққатга сазовор. Бу сайловнинг ҳаққоний ўтишига ишонччи оширади.

Биз сайлов қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгаришлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

Ҳар бир давлат ўз сайлов тизимини яратиш ва жорий этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари 120 тадан 150 тага кўпайтирилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқа-

Сўз — халқаро кузатувчиларга

САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШҚОРА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

Жорий йил 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши қутилмоқда. ЎЗА мухбири мамлакатимизга келган баъзи кузатувчиларнинг дастлабки таассуротлари билан қизиқди.

рорлиқни таъминлаш, инсон саломатлигини яхшилаш масалалари назарда тутилиб, 15 депутатлик мандати Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзоларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан МДХ Кузатувчилар миссияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Миссиямиз турли вилоят ва шаҳарларда бўлиб, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг сайловолди

ташвиқотлари билан яқиндан танишишни режалаштирган.

Мен Ўзбекистонда 2004 йили бўлиб ўтган президент сайловларида иштирок этганман. Ушунда сайлов участкаларининг муҳташам саройларда, муассасалар, идора ва ташкилотларнинг, ўқув юртлирининг замонавий биноларида, маданият уйларида ташкил этилганини кўриб, Ўзбекистонда сайловчиларнинг эркин овоз бери-

ши учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятларга ҳавасим келган эди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри йил сайини гўзаллаштириб бораётди. Бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

ЎЗА мухбири
Мадина УМАРОВА
8-йил олди.

ЎЗХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИШ

4-6



МАКТАБДА КОНСТИТУЦИЯ ДАРСЛАРИ

7



АЗЮДОЧИЛАР МЕДАЛЛАРИ

8

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти руҳининг асосий талабларидан бири — бу кўппартиявийлик асосида демократик сайловлар ўтказишдир. Ушбу жараёнга мутаносиб равишда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлатнинг бош илҳомчилари соҳасидаги асосий вазибаларидан бири.

нида иштирок этаётган овоз берувчилар учун, албатта, яширин овоз бериш каби наҳаёт ҳаётли ва ҳаётли бўлиши керак. Сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг рўйхати асосланган, сайловчиларнинг шахсини тасдиқловчи паспорт ёки ўрнини босадиган бошқа ҳужжат асосида берилади. Бу ўринда, паспорт ўрнини босадиган ҳужжатлар қаторига, қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси ва ички ишлар органлари томонидан бериладиган белгиланган нусхадаги маълумотнома киради.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш каби наҳаёт ҳаётли бўлиши керак. Сайлов бюллетенини тўлдирish вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.



— ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШ

Сайловлар ҳокимиятнинг қонунчилигини таъминлаб, сиёсатда адолатли намоён этади. Сайлов воқеасида халқ муносиб вакиллари ишонч билдиради, уларни ваколат билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов бўлимидаги Қонунда белгиланган фуқароларнинг сайлов жараёнида махсус ажратилган, сайловчилар овоз беришлари учун етарли даражада жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов қўтилари ўрнаб қўйилган биноларда овоз бериш амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлар халқро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган сайлов принципларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилишига, жумладан, сайловчиларга яширин овоз бериш ҳуқуқининг қафолатлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи участка сайлов комиссияси томонидан махсус муҳрланган, сайловчиларнинг бюллетенлари йиғиладиган қўтига ташланади.

нинг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

Мамлакат манзараси

«Хўжа Ҳасан» қишлоқ фуқаролар йиғини наинки Қизилтепа туманида, балки Навоий вилоятида ўзига хос ўрин тутди. Қишлоқ аҳли деҳқончиликда йил сайин катта муваффақиятларга эришмоқда.

қўра рўйхатга кирмай қолган фуқароларнинг соат 20⁰⁰ гача исталган вақтда сайлов участкасига келиши аҳтимоли билан изоҳланади.

Қадимдан «Тош ариқ», «Тош қишлоқ», «Тош кўрғон» маъноларини англатувчи бу максадининг жанубий томонидан Зарафшон дарёси оқиб ўтган.

«Тошработ» агрошаҳарчаси

«АГРОБАНК» ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ

«The Banker» халқаро журнали томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб топилди ва 2009 йилда «Йил банки» сертификатига сазовор бўлди.

Шундан бўлса керак, «Тошработ»да қишлоқ спорти, ахборот-ресурс марказлари иши тубдан яхшиланди. Фуқаролар йиғини ҳузуридаги футбол, волейбол жамоалари айни кезда туманда ва вилоят-

да пешқадам. Ризоқул Ортиқов, Абдураҳмон Уроқов, Душан Юлдошев, Узоқ Курбонов, Ҳусен Носиров, Бурхон Ҳосилов, Замон Саманов каби ташаббускор маҳалла раислари фуқаролар йиғинининг сайҳаракати тўғрисида марказ агрошаҳарча қиёфасини олган.


Марказда ҳозир 150 ўринли замонавий деҳқон бозори, 27 та савдо дўкони, 5 та ошхона, 2 та 800 нафар меҳмонга мўлжалланган тўйхона, кўплаб маиший хизмат уйлари ишлаб турибди. Кейинги 2 йил мобайнида 250 дан зиёд янги турдош иш ўринлари барпо этилди. Айни кезда бу иш жойларида маҳаллий ёш йигит-қизлар меҳнат қилишяпти. 50 ўринли замонавий касалхона, 25 ўринли туғруқхона, 4 та доирхона аҳоли хизматида.

«МУХТАРАМ ТАХРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ!»

Маълумки, жамиятнинг тараққиёти, келажак авлоднинг фаровон турмуш кечирishi кўп жиҳатдан ҳудуднинг моддий ресурслари, ер ости ва ер усти бойлиқларидан оқилхона фойдаланишга бевосита боғлиқдир.

«СУВ – МУҚАДДАС НЕЪМАТ»

Газетамизнинг 5-декабрь сонидида чоп этилган «Сув — муқаддас неъмат» сарлавҳали мақолага муносабат билдирилган мактублар келиши давом этмоқда.



«МУХТАРАМ ТАХРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ!»

Маълумки, жамиятнинг тараққиёти, келажак авлоднинг фаровон турмуш кечирishi кўп жиҳатдан ҳудуднинг моддий ресурслари, ер ости ва ер усти бойлиқларидан оқилхона фойдаланишга бевосита боғлиқдир.

Мақолада жуда тўғри талқин этилибди. Бугун ҳамма гап — ҳаётимиз, турмушимиз учун бебаҳо ҳисобланган сувни, газни, электр энергиясини тежашда.

Акс — садо


Зарб мавзуларда ёзилган таҳлилий мақолаларни эътибор билан ўқиб, бошқаларга ҳам танишишни таклиф этаман.

Сайфиддин ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Андижон шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Ўзбекистон ХДП қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган кишилар сафининг босқичма-босқич камайиб боришини жамият фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия иқтисодиётда бозорнинг чексиз ҳукмронлиги тўғрисидаги гоёларга қаршидир. Бозор иқтисодиёти танланган ўйла мувофиқ, хусусий манфаатларга эмас, балки ижтимоий ўйналтирилган ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган бўлиши лозим.



ФАХРИДДИН РАЖАБОВ


(50-Регистон сайлов округи)

1962 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Самарқанд шаҳар Темирийул туман халқ суди ижрочилигидан бошлаган. Кейинчалик суд мажлиси котиби лавозимида ишлаган. 1991-2005 йилларда Самарқанд шаҳридаги «Қонун» адвокатлик фирмаси иш бошқарувчиси, раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. Парламент куйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси.

2007 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

У ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда адвокатура институтини шакллантириш, дав-



лат қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунларни яратиш, такомиллаштиришда муносиб ҳисса қўшмоқда. Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасида асосли таклифларини илгари сурмоқда.

— Агар яна сайловчиларим ишончини қозониб, янги муддатга Қонунчилик палатаси депутати этиб

сайлансам, партиямиз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ҳамда меҳнат муносабатлари, иш билан бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ходимларнинг ижтимоий сўғуртаси масалаларини тартибга солидаган бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиш ниятидан, — дейди у. — Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой коммунал хўжалиги хизматларини кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида давлат минимал ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни бугун замоннинг ўзи талаб этаяпти. Шахсий ва деҳқон хўжаликларидан қорамол боқиш, хунармандчилик ва меҳнат фаолиятининг бошқа яқка тартибдаги шакллари билан шуғулланаётганлар учун ёшга доир пенсия таъминотининг ижтимоий кафолатлари даражасини ошириш зарур.

УЛУҒБЕК ВАФОВ

(52-Булунғур сайлов округи)

1967 йилда Булунғур туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи, молиячи, ҳуқуқшунос. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда бошлаган. Жомбой туманидаги хўжалиқда иқтисодчи бўлиб ишлаган, аспирантурада тахсил олган. 1992-2004 йилларда Жомбой тумани молия бўлимида иқтисодчи, мудири ўринбосари, «Самарқандкийим» ҳиссадорлик жамиятида бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчи, акциядорлик тижорат «Савдогарбанк»нинг Самарқанд вилоят бўлимида бош иқтисодчи, бўлим бошлиғи, амалиёт маркази бошлиғи ўринбосари-иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бўлими бошлиғи, «Пахтабанк»нинг Са-

марқанд вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Жомбой филиали бошқарувчиси, «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси лавозимларида меҳнат қилган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раисининг ўринбосари. Шунингдек, жамоатчилик асосида, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари.

Улуғбек Вафоев депутатлик фаолиятида куйи палата томонидан қабул қилинаётган қонунлар муҳокамасида фаол қатнашди. Ҳар бир лойиҳа юзасидан фикрлари, керак бўлса, баъзи моддалар юзасидан муқобил таклифларини илгари сурди, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фаол фойдаланди. — Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги хизматларини кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-



қувватлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида давлат минимал ижтимоий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ташаббуси билан чиқмоқиман, — дейди у. — Кам таъминланган оилалар ва фуқароларга ижтимоий пенсиялар, нафақалар ва моддий ёрдам тайинланган давр мобайнида улар қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезмаслигини таъминлайдиган молиявий сиёсатни шакллантиришга эришиш зарур, деб ҳисоблайман. Партиямиз Сайловолди дастурида шу каби яна кўпгаб вазифалар белгиланган. Янги муддатга сайлансам, уларни қонунларда акс эттириш учун курашаман.

ИСКАНДАР АЗИЗОВ

(55-Қорадарё сайлов округи)

1947 йилда Пайариқ туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент аграр университетини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи-ташкilotчи.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Пахтачи туманидаги жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1977-2003 йилларда шу жамоа хўжалиқда ҳисобчи, туман агросаноат бирлашмаси етакчи мутахассиси, тумандаги жамоа хўжалиқда бош иқтисодчи, бош ҳисобчиси, жамоа хўжалиғи раиси ўринбосари, «Жавлон» аудиторлик фирмаси аудитори, Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2003 йилдан вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси ҳисоб ва ҳисобот бўлими бошлиғи.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланган.

— Юртимизда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларида

катта ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди у. — Аммо, ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам оз эмас. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан мунтазам таъминлашда айрим муаммолар мавжуд. Хизмат кўрсатувчи, етказиб берувчи идораларнинг масъулиятсизлиги оқибатида жойларда бу соҳада узилтирил кузатилмоқда. Демак, бу соҳадаги қонунларни такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказадиган масканлар етишмайди. Қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси назоратини кучайтириш зарур.


Агар мен депутат этиб сайлансам, қишлоқларимиз фаровонлигини янада ошириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан маҳаллий



Кенгашлар депутатлари ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолларидан иборат жамоатчилик назорати ўрнатилишини белгилаб берадиган қонунлар ишлаб чиқишида ташаббускор бўламан. Шунингдек, қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш, уй-жой қуришни кенгайтириш масалалари бўйича қабул қилинган давлат қарорларини жойларда бажарилиши, шу жумладан, намунали лойиҳалар бўйича янги қурилган яқка тартибдаги уй-жойларни аҳолига топширишда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳаракат қиламан.

РОЗИЯ МАҲМУДОВА

(56-Нарнай сайлов округи)



1955 йилда Нарнай туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатган. Мутахассислиги — агроном.

Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида ишчиликдан бошлаган. 1975-2006 йилларда бригадир, бош пудратчи вазифаларида ишлаган. 2006 йилдан «Розия Маҳмудова» фермер хўжалиғи раиси.

— Оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш, жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш сайловолди дастуридан ўрин олган, — дейди у. — Чунки ҳамон айрим яқин қариндошлар ўртасида қудан-дачиллик оқибатида ногирон ёки носоғлом фарзандлар туғилиши каби кўнгилсиз ҳолатлар учраб турибди. Демак, бу борада тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришдан ташқари шундай ҳолатларнинг олдини олишга масъул ташкilotчилар жавобгарлигини янада ошириш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши керак, деб ҳисоблайман.

Ўзим деҳқончилик ишлари билан машғул бўлганим учун хўжаликларда ерга қандай экинлар еклиётганидан бирмунча хабардорман. Айримлар

ҳосил кетидан қувиб, ерга бир хил экин экверганидан тупроқ унумдорлиги пасайиб бормоқда. Алмашлаб экишни жорий этиш орқали ер ҳосилдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқларда чорвачиликни янада ривожлантиришга ҳам эътибор берилмоқда. Ахир, аҳолига арзон ва сифатли гўшт, сут маҳсулотлари ҳам керак. Менимча, асосий бойлигимиз бўлган Ердан фойдаланишни тартибга солувчи қонунларимизга ўзгартишлар киритишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини жойларда қайта ишлайдиган кичик корхоналар очилишини рағбатлантириш керак. Шунда қишлоқ аҳолисининг меҳнат билан бандлиги таъминланади, турмуш фаровонлиги ошади. Бунинг учун қишлоқларда кичик корхоналар очилишига ҳуқуқий жиҳатдан қўшимча имтиёзлар белгиланиши даркор. Агар мен депутатликка сайлансам, партиямиз Сайловолди дастуридан ўрин олган мақсадлар ва шу каби долзарб масалалар ечимини топиш учун бор билим-тажрибамни ишга соламан.

МАЖИТХОН УСМОНОВ

(57-Оқдарё сайлов округи)

1956 йилда Оқдарё туманида туғилган. Самарқанд давлат университетининг Ўзбек филологияси ва ҳуқуқшунослик факультетларини тамомлаган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1973 йилда Мирзачўл туманидаги пахтачилик давлат хўжалиғи ишчиси сифатида бошлаган. 1979-1982 йилларда Оқдарё туманидаги 192-хунар-техника билим юртида ўқитувчи, 1982-1985 йилларда туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси котиби, 1985-1996 йилларда туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси котиби, раиси, пиллакорлар ширкатининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 1996-2004 йилларда Самарқанд механика-иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, агроиқтисодиёт касб-хунар коллежларида директор ўринбосари бўлиб ишлаган. 2004 йилда Олий Мажлис Қонунчи-



лик палатасининг депутати этиб сайланган. 2005 йилдан куйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ишида, яъни депутатлар муҳокамасига киритилган қонунлар лойиҳалари бўйича ўзининг асосли таклифларини билдириб, уларнинг янада такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолиятини самарали ташкил этишда унинг хиз-

матлари катта бўлди. Шу вақтга қадар халқ хўжалигининг турли соҳаларида, Қонунчилик палатасида тўпалаган тажрибасига асосланиб, партиямиз электорати манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларни илгари сурмоқда.

— Партиямиз иқтисодиётда бозорнинг чексиз ҳукмронлиги тўғрисидаги гоёларга қаршидир, — дейди у. — Бозор иқтисодиёти ижтимоий ўйналтирилган ва фақат хусусий манфаатларга эмас, балки жамият манфаатларига хизмат қиладиган бўлиши лозим. Аҳоли кўпчилигининг манфаатларини кўзлаб, иқтисодий ўсишининг узоқ муддатли мақсадларини танлашда ва кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг бошқарувчилик ролини мустаҳкамлаш стратегик устувор вазифа сифатида эътироф этамиз. Ана шу мақсадларни амалга ошириш эртага парламентга сайланадиган депутатлардан жуда катта масъулият талаб этади. Яна бир бор сайловчиларим ишончини қозониб, Қонунчилик палатасига депутат этиб сайлансам, юқоридagi мақсадларни амалга ошириш учун курашаман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ШАРИФ ОСТОНОВ

(60-Самарқанд сайлов округи)



1953 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Ҳозирги Тошкент давлат техника университети тасмаляган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Меҳнат фаолиятини Тошкент «Аргат» заводда токарликдан бошлаган. 1974-1979 йилларда цех устаси, муҳандис-технолог, марказлашган завод бошлиғи, Каттақўрғон туманлараро қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи бўлган. 1979-1992 йилларда давлат ва жамоат ташкилот-

ларида фаолият кўрсатган. 1992-1997 йилларда Каттақўрғон туман ҳокими ўринбосари, 1997-2000 йилларда Самарқанд вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган. 2000-2007 йилларда Пайарик тумани ҳокими, Самарқанд вилоят ҳокимлиги назорат бўлими бошлиғи, ташкилий-назорат гуруҳи бош мутахассиси, ишлар бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2007 йилдан «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Самарқанд филиалида махсус техникадан фойдаланиш ва автотранспорт хизмати бошлиғи.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш, аввало, катта масъулият, — дейди у. — Депутат бўлиб сайлансам, биринчи навбатда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг партия электорати турмуш шароитини яхшилашга, мамлакатимиз фаровонлиги ва аҳолининг кам даромадли қисми манфаатлари ҳисобга олиниши ташаббусини

қўллаб-қувватламоқчиман.

Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан вилоятнинг ўнлаб қишлоқларида замонавий турар-жой бинолари барпо этилди. Ушбу ҳаракатни кейинги йилларда ҳам изчил давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман. Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан сафдошларим билан ҳамкорликда аҳоли турмуш шароитини янада юксалтиришга хизмат қиладиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ниятидаман.


Аҳолининг кам таъминланган қатлами, пенсионер ва ногиронлар томонидан коммунал тўловлар тўланишида имтиёзлар берилиши лозим. Шунингдек, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик ҳажмдаги бир қатор саннат ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш йўли билан ишсизлар сонини камайтириш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида тақлифларни илгари сурмоқчиман.

ҲОШИМХҲҲА МАҲМАДИЁРОВ

(61-Тайлоқ сайлов округи)

1959 йилда Ургут туманида туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. Мутахассислиги — меъмор.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Самарқанд шаҳридаги 26-сонли ҳунар-техника билим юртида катта уста сифатида бошлаган. 1985-1994 йилларда Ургут туманидаги хўжалик ҳисобидаги лойиҳа ишлаб чиқариш бюроси бошлиғи, 1994-1997 йилларда Ургут шаҳар ҳокимлиги меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими мудири, 1997-2006 йилларда Ургут тумани ҳокимлиги бош мутахассиси, туман капитал қурилиш бўлими бошлиғи, туман бош архитектори лавозимларида ишлаган. 2006-2008 йилларда Самарқанд вилоят архитектура қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи, тумандаги «Ал-Ҳаким» масъулияти чекланган жамияти директори бўлган. 2008 йилдан «Самарқанд ми-



норалари» МЧЖ директори.

— Агар мен сайловчиларнинг етарли овозини олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, оддий одамлар манфаати, улар турмуши фаровонлигига хизмат қилувчи қонунлар лойиҳалари қабул қилинишига ҳаракат қиламан, — дейди у. — Айниқса, қишлоқ аҳолиси, ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада ку-

чайтириш долзарб масаладир. Бунинг учун қишлоқларга мини технологияларни киритиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни кенг йўлга қўйишни рағбатлантирувчи қонунлар қабул қилиш ташаббуси билан чиқмоқчиман.

Ургут туманида «Фавс-ул аъзам», «Чорчинор», «Хўжа Омон», «Ширвоқота» сингари кўплаб муқаддас қадамжолар, Қоратепа сингари қадимий аҳоли манзиллари бор. Бундай масканлар, тарихий жойлар, жумладан, Тойлоқ туманида, мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам мавжуд. Айниқса, Мустақиллик йилларида бундай масканлар янада ободонлаштирилиб, янгича қўрқароват касб этди. Аммо, мамлакат иқтисодиётида туризмдан келадиган фойданинг миқдори бу борадаги мавжуд потенциал даражасида эмас. Айрим ривожланган давлатларда туризм соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотидега асосий ўринни эгаллайди. Шундай экан, Мамлакатимизда туризмни яна ривожлантирувчи қонун лойиҳалари қабул қилиниши вақти етди, деб ҳисоблайман. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Бунинг ортидан эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида қанча одам ишли бўлади. Аҳоли даромадлари ортади.

МАЪМУРЖОН ҚИЁМОВ

(62-Ургут сайлов округи)

1967 йилда Пастдаргом туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Мутахассислиги — журналист, ҳуқуқшунос. «Шухрат» медали билан тақдирланган.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда «Гулистон» журналида мустақилликдан бошлаган, муҳбир, бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган. 1994-2007 йилларда «Ўзбекистон овози» газетасида муҳбир, бўлим мудири, «Қишлоқ ҳаёти» газетасида масъул котиб лавозимларида хизмат қилган. 2007 йилдан «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси хатлар ва шикоятлар бўлими мудири.

Унинг фаолияти беvosита фуқароларни қизиқтираётган масалалар билан боғлиқ. Уларнинг қувонч ва ташвишлари, бугуннинг долзарб масалаларига бағишланган юзлаб мақолалари матбуотда чоп этилган. «Нурафшон ўлка», «Мангу меҳр» номли китоблари нашрдан чиққан. «Кучли давлатдан — кучли

фуқаролик жамияти сари» гоясини ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан бир қатор мақолалар нашр эттирган. Шу жиҳатдан ҳуқуқий давлатнинг асосий моҳияти қонун устуворлигига, қонун олдида ҳамманинг тенглигига асосланади. Zero, ҳуқуқ эркинлик мезонидир. Қонун эркинликка хизмат қилганда ҳақиқий куч ва салмоққа эга бўлиши учун курашиш унинг ҳаётий шиорига айланган. Ёзаётган мақолаларида ана шундай руҳ барқарор.

— Юртимизда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш кўзланган мақсадимизга эришиш йўлида ўз самарасини бермоқда, — дейди у. — Агар одамлар ишончини қозониб, депутат этиб сайлансам, бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшиш ниятидаман.



— Бундан ташқари, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражага босқичма-босқич етказиш ҳамда ижтимоий муҳофаза борасидаги қонунчиликимизни янада такомиллаштириш устида кўпроқ изланишлар олиб бориш зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолини иш билан таъминлаш хизматини такомиллаштиришнинг мустаҳкам қонуний асосларини яратиш энг катта вазифалардан биридир.

АБДУВАҲОБ ЯРМУҲАМБЕТОВ

(124-Оқтепа сайлов округи)

1965 йилда Ўртачирчиқ туманида туғилган. 1989 йилда Москва бошқарув институтини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасининг ахборот-ҳисобот марказида дастурчи-муҳандисликдан бошлаган. 1990-2007 йилларда Тошкент автомобиль йўллари институтининг илмий тадқиқот маркази бош муҳандиси, «Жиззахтранс» трестининг 2517 автокорхонаси дастурчи-муҳандиси, «Нисотрейд» масъулияти чекланган жамият раҳбари, «Арнапринт» масъулияти чекланган жамият раҳбари ўринбосари, раҳбари, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи раҳбари лавозимларида ишлаган. 2007-йилдан «Полиграф-

техника» масъулияти чекланган жамият раҳбари.

— Агар Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлансам, — дейди у. — Шу вақтга қадар тўплаган тажрибамга асосланиб, ёш авлоднинг, яъни академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминлигини йўлга қўйиш, бунинг учун янги корхоналар ва ишчи ўринларини ташкил қилиш, корхоналар очиш учун имтиёзли кредитлар берилишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаман.

Аҳолининг кам таъминланган қатлами ва нафақадаги кишиларнинг яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган қонунларни замон талабига мос равишда янада такомиллаштириш, қонунлар ижроси барча фуқаролар учун



баробар бўлишини таъминлаш юзасидан фаолият олиб бораман.

Бундан ташқари, биринчи ёрдам кўрсатувчи тиббий масканларда хизмат кўрсатиш шароитини янада яхшилаш, уй-жойга муҳтож оилаларга ер ажратишни таъминлаш ёки сотиб олиш учун фоизи кам кредитлар бериш билан боғлиқ қонунларни янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, меҳнат ахли ўз меҳнатига яраша ҳақ олиши тарафдориман. Яхши ишлаган одам фаровон турмуш кечирмоғи шарт.

ҲОЖИМУРОД ОДИЛҚОРИЕВ

(125-Дархон сайлов округи)



1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида таълим олган. Мутахассислиги — ҳуқуқшунос. Юридик фанлар доктори. Профессор.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Тошкент шаҳар судида суд мажлиси котиби сифатида бошлаган. 1978-1985 йилларда ёшлар ташкилотидега ишлаган, аспирантурада таҳсил олган. 1986-2000 йилларда ҳозирги

ЎЗМУ юридик факультети ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентини девонидега консультант, етакчи консультант, Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2001-2004 йиллар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан мазкур академиянинг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси бошлиғи.

Ҳожимурад Одилқориев давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасида таниқли мутахассис, олимдир. Шу вақтга қадар унинг илмий раҳбарлигида 15 фан номзоди, 3 нафар фан доктори этишиб чиқди. Бундан ташқари, у 250дан ортиқ илмий асарлар муаллифидир.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиш — юксак шараф ва айни вақтда улкан масъулият, — дейди у. — Агар депутат бўлиб сайлансам, эътиборимни мамлакатда амал-

га оширилаётган модернизациялаш жараёнларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари кафолатларини оширувчи қонунлар қабул қилиниши бўйича тақлифлар билан чиқиш ниятидаман. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини тегишли қонунларда инobatга олинишига эришиш лозим, деб ҳисоблайман.

Пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар, талабалар, ёш болали оилаларга қўшимча имтиёзларни, шунингдек, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишни назарда тутувчи қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш мақсадидаман. Ижтимоий соҳадаги қонунларнинг, Президент фармонларининг ижроси устидан парламент, жамоат назоратини кучайтириш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш аҳоли фаровон ҳаёт кечиришининг гаровидир. Шу боис, янги иш ўринларини яратаятган муассаса ва ташкилотларга қонунчилик воситасида қўшимча имтиёзлар бериш масалалари ижобий ҳал этилишига ҳисса қўшиш ниятидаман.

МУҲАММАДХОН ҲАМИДОВ

(126-Темирйўлчилар сайлов округи)

1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тугатган. Мутахассислиги — муҳандис-гидротехник. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда ўзи таълим олган илм даргоҳида бошлаган. Кичик илмий ходим, ассистент, доцент сифатида фаолият кўрсатган. 1991-2004 йилларда мазкур олий ўқув юртининг сиртки таълим факультети декани, Ирригация муҳандисларини тайёрлаш маркази проректори лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан Гидромелиiorация факультети декани. Шунингдек, Европа Иттифоқининг Erasmus Mundus ECW тўлим лойиҳаси координатори сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда.

«Шухрат» медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги аълочилиси, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг илм-фан соҳасидаги олтин медали соҳиби.

Унинг илмий раҳбарлигида бўлиб келган номзоди илмий



ишини муваффақиятли химоя қилган. Сугорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ўз мактабига эга олим сифатида 120 дан ортиқ илмий-услубий ишлар муаллифидир. 10 дан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари АҚШ, Греция, Россия, Молдова, Қозоғистон каби давлатларда ҳам чоп этилган.

— Менинг номзод сифатидаги сиёсий қарашларим партия-мизнинг Сайловолди дастурига асосланган, — дейди у. — Ижтимоий пенсиялар, нафақалар


ва моддий ёрдам олишга эҳтиёжмандликни аниқлашни қонунчилик даражасида белгилашнига эришиш электоратимиз манфаати ҳимоясидаги муҳим аҳамиятга эга масалалардандир. Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчилари эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан тўлиқ таъминлигини механизминини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш талаб этилмоқда. Олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома асосида ўқиш учун ёшларга фоизсиз кредитлар бериш механизминини янада такомиллаштириш орқали малакали кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламыз. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»-ги, «Қадрлар таёрлаш Миллий дастури тўғрисида»-ги қонунлар ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа турли шакллари тартибга соладиган қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Агар депутат этиб сайлансам, минтақамизда сув танқислиги шароитида халқимизнинг, иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш масалаларида ҳам фаол иш олиб бормоқчиман.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

1975 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Тошкент молия институтини тугатган. Мутахассислиги — иқтисодчи. Иқтисод фанлари доктори.

НАРГИЗА КУЗИЕВА (127-Қорақамиш сайлов округи)



Меҳнат фаолиятини 1997 йилда ўзи таълим олган даргоҳда «Солиқ ва солиққа тортиш» кафедраси ўқитувчиси сифатида бошлаган. Катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлаган. 2008 йилдан мазкур кафедра профессори. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси Солиқ академиясида кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ва жаҳон матбуотида 80 дан ортмиқ илмий мақолалари, қатор ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

Наргиза Кузиева юртимизни янада обод қилиш, ёш авлоднинг баркамол улғайиши, одамлар тўқин ва фаровон турмуш кечириши, жамият тараққиёти йўлида қатор ташаббусларни илғари сурмоқда.

— Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг ра-


қобатбардошлигини ошириш, янги ташкил этилаётган иш ўринларида меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоялаш механизминини такомиллаштириш бугун партиямиз суянадиган қатламнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди у. — Худудларда аҳолига ипотека кредитлари бериш механизминини янада соддалаштириш, айниқса, ёш оилалар ўз уй-жойига эга бўлиши улар турмуши фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Хотин-қизлар, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож, ногирон кишиларнинг имконият ва қобилиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун етарли шарт-шароитлар, уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш тизимини яратиш зарур, деб ҳисоблайман. Зеро, улар ҳам жамиятда бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб яшамасин. Олий ўқув юртиларида тўлов-шартнома асосида таълим олувчи талабаларга фойсиз кредитлар бериш механизминини ишлаб чиқиш баркамол авлодни воғга етказиш, кадрлар тайёрлаш самарасини оширишга катта хизмат қилади, деб ўйлайман.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкаларини камайтириш, уни ҳисоблаш тартибларини такомиллаштириш юзасидан ҳам тақдирларим бор. Агар депутатликка сайлансам, ана шу масалалар қонунларда ўз ифодасини топиши учун курашаман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашади.

Иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган, кўп болали оилалар, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари битирувчилари, жисмоний имкониятлари чекланган одамлар ҳамда пенсионерлар, ижтимоий хизмат кўрсатувчи соҳа ходимлари ЎЗХДПнинг электоратидир.



НУРИДДИН ДОСАНОВ (132-Тўқимачи сайлов округи)



1964 йилда Беруний туманида тугилган. Ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети битирган. Мутахассислиги — ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси. Филология фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда ширкат бирлашмасида ишчи сифатида бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1990-1993 йилларда аспирантурада таълим олган. 1993-1997 йилларда Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тилшунослиги ка-

федраси ўқитувчиси, 1998-2004 йилларда малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани сифатида фаолият кўрсатган. 2004 йилдан университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори.

Бугун фаолияти таълим, ёшлар масалалари билан бевосита боғлиқ бўлгани сабабли Нуриддин Досанов баркамол авлодни воғга етказиш, таълим-тарбия бериш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида баъзи масалаларнинг кўтарилгани тўғри бўлганлигини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди у. — Бугунги кунда ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки бугунги ёшлар эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир. Шундан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, бунинг учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви маҳаллий органлари

ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклдаги барча корхоналарининг масъулиятини ошириш механизминини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайман. Олий таълим муассасаларида нафақат бугунги, балки эртанги кун фан-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган замонавий ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим соҳасида янгидан барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланиш, олий таълим муассасаларида корхоналарнинг буюртмаси бўйича тўлов-шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш амалиётини шакллантириш масалаларини қонуний йўл билан ҳал қилишни асосий вазифаларимиздан бири, деб ҳисоблайман.

Соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим бўлини бўлган оилага, шу жумладан, ёш оилаларга, шунингдек, чекка аҳоли пунктларида ишлаётган ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун фойсиз ва имтиёзли кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий асосини яратиш электоратимиз манфаати ҳимоясида муҳим аҳамият касб этади. Депутат этиб сайлансам, ана шу масалалар ечимини учун курашаман.

1967 йилда Фарғона шаҳрида тугилган. Фарғона педагогика институтини (ҳозирги ФарДУ)ни тугатган. Мутахассислиги — рус тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ЁРҚИНОЙ МАМАТОВА (133-Кўкча сайлов округи)



Меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги 14- мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 2000-2005 йилларда Шайхонтохур туманидаги 102-мактаб директорининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 2005-2006 йилларда Шайхонтохур туман Халқ таълими бўлимида услубий хона мудири лавозимида ишлаган. 2006 йилдан Шайхонтохур туманидаги 169-мактаб директори.

Халқ таълими аълочиси. У мактаб таълимининг ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини бажариш, педагог кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби муаммоларни ҳал этишда қўллаб ташаббуслар билан чиқмоқда.

— Ўзбекистонда изчил олиб борилган ислохотлар стратегиясининг ижтимоий устувор йўналишларидан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари учун

қўшимча иш ўринлари яратилган корхоналарга молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа энгилликлар берилишига эришиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман, — дейди у. — Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан тўлиқ таъминлаш механизминини қонун билан мустаҳкамлаш зарур.

Ёш оилаларга, шунингдек, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларига уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун фойсиз ва имтиёз-

ли кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий асосини яратиш, бу борадаги ишларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган қонунларни яратиш олдимиздаги асосий вазифалардан бири.

Мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг маҳаллий кадрлар билан таъминлаш мақсадида ёшларнинг тегишли олий педагогика ва тиббиёт ўқув муассасаларига кириши учун имтиёзлар жорий этиш, уй-жой қуришни кенгайтириш масалалари бўйича қабул қилинган давлат қарорларини жойларда бажарилиши, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳуқуқларига риоя қилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бериш зарур. Депутат этиб сайлансам, ана шу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Шунингдек, ёшларнинг мактабдан оқиб кетган йўналишларини ўз ташаббуслари билан таъминлаш ҳақиқий етук мутахассиси қилиб тарбиялаш борасида ҳам тақдирларим бор.

АКМАЛ ИНАГАМОВ (134-Кўйлик сайлов округи)

1966 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети битирган. Мутахассислиги — иқтисодчи, менежер, сийёсатшунос.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда «Ўзбекбирлашув» улгуржи савдо базасида ишчиликдан бошлаган. Ҳарбий хизматда бўлган. 1987-1997 йилларда «Маданий моллари» улгуржи савдо базасида ишчи, омир мудири, бўлим бошлиғи, бошқарув раиси ўринбосари вазифаларида ишлаган. 1997-1999 йилларда масъулияти чекланган жамият директори, 1999-2001 йилларда Тошкент вилояти китоб савдоси ва таъминоти акциядорлик жамияти бошқарув раиси сифатида фаолият кўрсатган. 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

бўлган. 2002-2004 йилларда «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси бошқарув раиси бўлган. 2004 йилдан «Акmal-Ziyo» хусусий корхонаси раҳбари.

— Олий, ўрта махсус билим юртиларини тугатиб чиққан ёшларни нафақат саноат ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлаштириш, балки, вақтинча иш тополмаётган, меҳнатга лаёқатли ёшлар, яъни электоратимиз вакиллари кичик ва ўрта бизнес, хусусий сектор соҳасида иш билан таъминлаш масаласи ҳам ўта муҳимдир, — дейди у. — Бундан ташқари, меҳнат ресурслари ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларида уларга бўлган эҳтиёжни ўрта ва узоқ муддатли прогнозлаш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Минтақалар иқтисодиёти, ижтимоий инфратузилмаси ва меҳнат ресурсларини мувоzanатли комплекс



ривожлантиришнинг ўртача муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида бандлик борасидаги минтақавий сиёсат самардорлигини янада ошириш бугунги куннинг талабидир. Аҳоли бандлиги борасидаги давлат ва ҳудудий дастурлар ижросининг самардорлигини иш ўринларини кўпайиши ва иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши кўрсаткичлари асосида баҳолашга ўтиш вақти келди. Қонунийлик палатаси депутати этиб сайлансам, ана шу масалаларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш учун тақдирларимни илгари сураман.

МАЪРУФ МУСАЕВ (135-Шайхонтохур сайлов округи)

1968 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)ни тамомлаган. Мутахассислиги — сийёсатшунос.

Меҳнат фаолиятини 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжалик Академиясининг хорижий бўлимида муҳандисликдан бошлаган. 1995-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида сектор мудири, 2000-2002 йилларда Давлат божхона қўмитасининг Ташқи ишлар департаменти бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган. 2002 йилдан «Агромакс инвест» агрофирмаси бош директори.

Сайловолди дастурини партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакат раванқига хизмат қилувчи қонунлар яратишга, қабул қилинган қонунларнинг ижро

этилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизмларини яратишга йўналтирган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун салоҳият, тажриба ва ташаббускорлик хислатига эга.

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, саноат ва мурувват уйлари, санаторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эришиш зарур, — дейди у. — Оилалар ва айрим фуқароларни кам таъминланганлик ҳамда ижтимоий пенсиялар ва нафақалар, моддий ёрдам олишга эҳтиёжмандлигини аниқлашнинг ягона мезонларини қонунчилик даражасида белгилаш талаб этилмоқда. Аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож



қатлами вакиллари учун қўшимча иш ўринлари яратилган корхоналарга солиқ, молиявий имтиёзлар ҳамда бошқа энгилликлар бериш, касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришда ҳўжалик, бошқарув органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш зарур, деб ҳисоблайман. Ушбу мақсадларни амалга оширишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш аҳолининг биз ҳимоя қиладиган қатлами манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Депутат этиб сайлансам, булар мен учун устувор йўналиш бўлади.

2010 йил — Баркамол авлод йили

МАКТАБДА КОНСТИТУЦИЯ ДАРСИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук, келажақда ўз билим ва қобилияти, интеллектуал салоҳияти билан юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган қилиб тарбиялаш масаласи маънавий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Қириб келаётган янги 2010 йилни «Баркамол авлод йили» дея эълон қилиниши замирида ҳам ана шу эзгу гоя мужассам. Ушбу мақсадни рўйбга чиқариш учун, аввало, ёшларимизда ҳуқуқий билим ва маданиятни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини қўлга олишда муҳим ўрин тутувчи Конституциямиз болаларимизга қандай ўргатилаётгани, таълим масканларида Конституция дарсларини қимлар, қандай мезонлар асосида ўтишмоқда? Шу каби саволларга ўқитувчи ва мутахассислар жавоби, журналист мулоҳазалари газетхонларимиз эътиборига ҳавола этилмоқда.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Конституция илк бор фанлар таркибидан эмас, балки таълим муассасаларининг ўқув режасига алоҳида фан сифатида киритилди.

Ушбу ҳужжатда Конституцияни ўрганиш курслари бўйича дарс берувчи ўқитувчилар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аслида ҳам ҳар қандай фанга ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, аввало, уни ўргатувчи муаллим салоҳиятига, маҳоратига боғлиқ эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Конституцияни ўрганиш мактабга таълим муассасаларидан бошланиши жорий этилди. Тарбиячилар кичкинтойларга Бош қомусимиз ҳақида дастлабки тушунча беришда «Конституция сабоқлари» махсус ўқув қўлланмасидан фойдаланади. Машғулотлар содда, болалар тасаввур оламига мос услубда олиб борилади.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич ҳамда 5-7-синфлари учун Конституция фани бўйича алоҳида курслар ташкил этилди. Чунончи, 1-4-синфларда «Конституция сабоқлари»нинг узвий давоми сифатида «Конституция алифбоси» ўқув курси фанлар таркибидан ўқитилса, 5-7-синфларда «Конституция оламига саёхат» дарслари ўтилади. Бунинг учун ўқув режасида жами 17 соат ажратилган.

Куйи синфларда Конституция курслари мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан ўқитилган бўлса, 8-9-синфларда бунинг учун давлат томонидан қатъий белгиланган, ўқув режада аниқ кўрсатилган 34 соат ажратилган. Хусусан, 8-синфда ўқувчилар Конституцияни «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқий асослари» фани асосида ўзлаштиришса, 9-синфда «Конституциявий ҳуқуқ

асослари» фани ўқитилади.

ДАРСЛИКЛАР

Юқорида номи келтирилган фармойишда дарслик ва махсус адабиётларни яратиш, чоп этиш ва жойларга етказиш белгиланган эди.

Бугунги кунда республикамиздаги барча мактабларнинг ўзбек ва рус синфлари учун «Конституция алифбоси» (1-4-синф), «Азбука Конституция» (1-4-класс), «Конституция оламига саёхат» (5-7-синф), «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқий асослари» (8-синф), «Конституциявий ҳуқуқ асослари» (9-синф), «Ҳуқуқшунослик» (9-10-синф), шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан «Менинг ҳуқуқларим» (1-4-синф) ва «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч ва масъулиятлари» (5-9-синф) номли жами 22 дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда 2006 йилда «Конституция оламига саёхат», «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқий асослари», «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик» дарсликлари қайта нашр этилди.

«Конституциявий ҳуқуқ асослари» ўқув қўлланмасига Асосий қонунимизнинг ҳар бир боби алоҳида мавзу сифатида киритилган, — дейди **Чилонзор туманидаги 56-мактаб ўқитувчиси Комил Мирзаев**. — Қўлланманинг биз ўқитувчилар учун яна бир қулайлиги, ушбу китоб дарсларни янги педагогик

технологиялар, хусусан, интерфаол усулда ўтиш учун мўлжалланган. Яъни, унда ўқувчиларни дарсларга қизгин иштирок этишга ундайдиган қўлаб савол ва топшириқлар, баҳс-мунозараларга чорлайдиган, фикрларини эркин ифода қилиши учун имкон бера-

диган мавзулар киритилган. Бундан ташқари, ўтган йили республика Халқ таълими вазирлиги томонидан «Сенинг ҳуқуқларинг — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қонунлари» номли буклетлар тайёрланиб, барча умумтаълим мактабларига тарқатилди.

Мутахассис етарлими? Қаердаки ҳар бир ишни ўз эгаси, чинакам фидойиси баҳарсагина қўзланган мақсадга эришилади. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида Конституция фанидан фақатгина соҳа мутахассислари, яъни педагогика университетлари ҳамда институтларида миллий истиқлол госяи ва ҳуқуқ асослари йўналиши бўйича таълим олган мутахассис кадрлар дарс беришмоқда.

— Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ, — дейди **Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими етакчи на-**

зоратчиси **Наргиза Исматова**.

— Аввало, Конституция фанининг бошланғич синфлар учун мўлжалланган ўқув дастурига ҳар биримиз билишимиз лозим, мураккаб бўлмаган тушунчалар киритилган. Бундан ташқари, малака ошириш институтларининг қайта тайёрлаш курсларида алоҳида, ҳуқуқшунослик йўналиши ҳам жорий этилган бўлиб, унда ҳар йили педагог ходимлар, шу жумладан, бошланғич синф ўқитувчилари ўз билимларини мустаҳкамламоқда.

Шунингдек, ўқитувчилар учун «Ўқитувчи» методик қўлланмалари жорий этилган. Улар жаҳондаги кўпгина давлатлар таълим муассасаларида ўргатиладиган «Омавий ҳуқуқ» халқаро дастури асосида тузилган. Чунончи, «Конституция алифбоси» (муаллиф Н.Исматова), «Конституция оламига саёхат» (муаллиф В.Костецкий), «Конституциявий ҳуқуқ асослари»

аски» фотокўргазмалари, «Президент асарлари билимдони», «Давлатимиз рамзлари билимдони», «Қонун устуворлиги — жамият таянчи» каби анжуман ва беллашувлар ўтказилди.

Хусусан, 2 декабрда «Конституция — бахтимиз пойдевори» ва «Президент асарлари билимдони» танловларини республика босқичи қолиблари тақдирланди.


— Мазкур танловда видеоролик шаклидаги экологик ҳолатни Бош қомусимиз моддалари асосида тасвирлашга ҳаракат қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, Конституция фани ўқитувчимиз Феруза Раҳимовага раҳмат айтмоқчиман. Чунки биринчи ўринни қўлга киритишимда у кишининг хизматлари катта бўлди.

— Мактабимизда бу йилги Конституция кунлари қизинг давом этмоқда, — дейди **Учтепа туманидаги 81-мактаб ўқитувчиси Бахтигул Туропова**. — Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 30 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ, бир қатор ишлар амалга оширилди. Умуман олганда мактабимизда ҳар йили декабрь ойи Конституция ойлиги ҳисобланади.

Ҳар йили мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадалари таркибидан ҳуқуқшунослик фани ҳам мавжуд бўлиб, ёзма ҳамда тест тизимида иборат икки босқичда ташкил қилинади. Хусусан, тестлар Конституция моддалари асосида тузилаётган бўлса, ёзма ишда Бош қомусимизда ақс этган бирор принципни юридик шарҳлаш қўзда тутилган.

Президентимиз баркамол авлодни мустақил ҳаётга тайёрлашда мактабларнинг ўрни ҳақида гапириб, «Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ», — дея таъкидлаган эди. Хулоса ўрнида айтганда, бугун республикамиздаги барча умумтаълим мактабларида Бош қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш, ўқиш ва ўқитиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Демак, асосий саль-ҳаракат ва масъулият ёшларимизнинг зиммасида қоляпти.


Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҚОР БЎРОНЛАРИ

тишмаяпти

Бу йил қиш нафақат Россия ёки Америка учун оғир келди, балки Европа мамлакатлари аҳолисини ҳам машаққатли «синов»ларга гирифтор қилмоқда. Жумладан, «Правда.Ру» сайтидаги хабарда қайд этилишича, Испания, Словения, Хорватия ва Польшада кучли қор бўронлари давом этмоқда. Испанияда автомобиллар соатига 10 км. тезликда зўрға ҳаракатланаётган бўлса, поездлар манзилларига кечикиб бормоқда. Мамлакатнинг марказий, шимолий ва шарқий музофотларида аҳвол янада оғир. Унлаб аҳоли манзиллари ташқи оламдан узилиб қолди.



Хорватиянинг Загребда кучли шамол «қутираётгани» боис юк машиналари ҳаракати тақиқланди, хусусий автомобилларда юришга ҳам рухсат йўқ.

Словениянинг курорт тоғлари ноқулай об-ҳаво боис сайёҳларсиз қолди.

Польшада эса яқиндаги на ҳарорат ноль даражада эди. Энди бўлса минус 20дан ё кўтарилмаяпти, ё тушмаяпти. Йўллар музлагани боис йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиб юз бермоқда. Бир неча киши эса музлаб қолиб, нобуд бўлди.

КЕЛИШУВ БИТИМЛАРИ

имзоланди

Куба пойтахти Гаванада бўлиб ўтган «Боливариан альянси» (ALBA) саммитида иштирок этган давлатлар ўртасида солиқни сақлаш, таълим, фан, технология, маданият, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича 25 та ўзаро келишув ҳужжати имзоланди.



Унга кўра, дейилади «Новости» АА хабарида, ушбу альянс кирувчи давлатларда саводсизликни батамом тугатиш, аҳолининг билим олиши учун кенг имконият очиб, кейинги йил январь охиридан давлатлараро ўзаро тўлов воситаси — «сукре» пул бирлигини муомалага киритиш вазифаси долзарб масалалар қаторига киритилди.

Альянсинг кейинги саммити 2010 йил 17-18 апрель кунлари Венесуэла пойтахти Каракаста ўтказилди. Эслаб ўтамиз: «Боливариан альянси» 2004 йили Венесуэла президенти Уго Чавес ва Куба етакчиси Фидел Кастро ташаббусига кўра ташкил этилган. Мазкур болкиннинг мақсади Жанубий Америка давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамдўстлигига асос солиш ва шу билан бирга Жанубий Америка давлатларида АҚШнинг иқтисодий таъсирини «кесил»дан иборатдир.

Альянс аъзолари: Венесуэла, Куба, Боливия, Никарагуа, Доминикан, Гондурас, Эквадор, Сент-Винсент ва Гренадина, Антигуа ва Барбуда.

Кадр ортидаги бу жонкуяр ижодкорни кўпчилик юзмаюз учрашганда танимаслиги мумкин. Лекин унинг фильмларини кўрмаганлар топила-маса керак. Бундан йигирма йил илгари маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир, Чўлпон ҳақидаги ҳужжатли фильмлари намойиш этилганда унинг маҳоратига тан беришганди. «Буюк Турон», «Новароуннахр», «Юрт ҳақида қўлайман», «Орол — менинг тақдирим» каби кенг қамровли фильмларини кўрганлар унинг санъатига қойил қолишган.

«Лафз», «Имон», «Бог», «Қалдирғочлар яна қайтади» телесериаллари эса томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. 65 ёшида фан номзодлиги учун диссертация ёзганини эшитганлар эса «Бу одамнинг ғайратига чегара бормикин?» дея ҳайратта тушишди.

КИНОТАСМАЛАРГА КЎЧГАН КЎНГИЛ



Замондошларимиз

Бу серғайрат замондошимиз 170 километрдан зиёд кинотасмаларга муҳрланган 200 дан ортиқ фильмлар режиссёри, кино санъатига бағишланган тўртта китоб муаллифи, санъатшунослик фанлари номзоди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Аҳмедов бўлади.

Баҳодир Тошкентда очилган кино техникумининг биринчи талабалари қаторидан ўрин олди. 1964 йилда у мазкур билим юртини биттирди.

Тошкент театр ва расомчилик санъати институтининг режиссёрлик бўлимига ўқишга кирди. 1972 йилда у сахналаштирган «Бебаҳо бола» диплом спектакли пойтахтимиздаги ёш томошабинлар театрида муваффақиятли намойиш

таси» кичик метражли бадий фильми мутахассисларнинг ҳам, мухлисларнинг ҳам назарига тушди.

Яна кадрдон «Ўзбек-телефильм» студиясида қайноқ ижод давом этди. «Замин ва қуёш болалари», «Муножат Йўлчи ва қўлайди», «Олимпиачилар биздан чиқади», «Парвоз ердан бошланади», «Ассалом, Наврўз» каби унлаб ҳужжатли фильмларида унинг юртимизга, меҳнаткаш халқимизга, миллий кадриятларимизга меҳри яққол намоеён бўлди. Унинг «Академик Ҳабиб Абдуллаев», «Шайхзода», «Ойбек» каби фильмлари маънавиятимизни юксалтиришга катта ҳисса қўшган машҳур кишиларимиз ҳаёти ва фаолиятига бағишланди.

Истиқлолнинг хушнафасидан илҳом олган режиссёр юртимиздаги асарларга татигулик юксалишлари, улкан бунёдкорлик ишларини «Ўзбекистон. Мустақиллик одимлари», «Бир элнинг фарзандимиз», «Ҳазрати Усмон Куръони», «Жами-

ят тараққийи йўлида» каби ҳужжатли фильмларида кинотасмаларга муҳрлади.

Кино санъатининг кўпга йўналишларида ўз билим ва маҳоратини синая кўрган Баҳодир Аҳмедов телесериал ишлашга ҳам жазм этди. Болалар ҳаётига

кининг фельд-атворини ифодалаган «Лафз» телесериалини тасвирга туширди. Унда халқимизнинг лафзда собитлиги, дўст учун, ўзгалар учун жон фидо этиши бадий тимсолларда ажойиб тарзда талқин қилинди.



Янги аср унинг ижодида янги даврни бошлади. Кинонинг барча жабҳалари захматини чекиб тобланган режиссёр бири-биридан яхши фильмларни суратга олапти. «Биринчи Президент», «Дунёни сергаклантирган башорат», «Муқаддас пойтахтимиз», «Ўзбекистон олтинлари» каби ҳужжатли


фильмлари, «Бог» ва «Қалдирғочлар яна қайтади» телесериалларида режиссёрлик маҳорати яққол кўзга ташланса, «Бир кун ва бир умр», «Ўзбек телесериал киносининг ривожланиш тарихи» китобларида шу соҳанинг билимдони ва жонкуяри сифатида намоеён бўлади.

Баҳодир Аҳмедов ўзи фахр билан таъкидлагандай, бир умр «Ўзбектелефильм» студиясида ишлайди. Шу билан бирга санъатшунослик институтида талабаларга сабоқ берапти, илмий изланишларини давом эттиряпти, фильмлар суратга олапти. Яқинда «Тошкент» телеканалда у режиссёрлик қилган 31 қисмдан иборат «Қалдирғочлар яна қайтади» телесериалининг премьераси бўлди.

— Бир умр олган билим ва тўплаган тажрибамни шу сериалга бағишлашга ҳаракат қилдим, — дейди у. — Унда юртимизнинг ҳозирги гўзал манзаралари, халқимизга хос яратувчанлик қайфияти, қишлоқ одамларининг очик кўнгиллиги ифодаланган.

Асрор МҮМИН
Суратда: «Қалдирғочлар яна қайтади» сериали тасвирга олиш жараёнидан лавҳалар.

Спорт



ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРИ

Куни кеча Токиодан хушхабар келди. Йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Гран-при туркумидаги соврин жамғармаси 154000 АҚШ долларини ташкил қилувчи халқаро турнирда бир йўла икки полвонимиз совриндорлар қаторидан жой олди. Унда иқтидорли дзюдочиларимиз Дилшод Чориев (90 кг.) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг.) шохсупанинг учинчи погонасини банд этишди.

ГЕЛЬФАНД — ЖАҲОН КУБОГИ СОҲИБИ

Ханти-Мансийск (Россия) — да шохмот бўйича Жаҳон кубоги бахслари якунланди. Мусобақа финалида украинлик грессмейстер Руслан Пономарёв ҳамда Борис Гельфанд (Исроил) ўзаро куч синашди. Унда голиб тай-брек ёрдамида аниқланди. Ҳал қилувчи бахсда рақибга нисбатан аниқроқ ўйнаган исроиллик шохмот устаси 5:3 ҳисобида галаба қозонди.

Шундай қилиб, нуфузли мусобақа финалида умумий 7:5 ҳисобини қайд этган Борис Гельфанд Бокда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

КАРЛОС БОШҚА ЖАМОАДА



Бразилиялик машҳур футболчи Роберто Карлос Туркиянинг «Фенербахче» клубини тарк этмоқда. Матбуот хабарларига кўра, Истанбул клуби раҳбарияти яқиндагина Бразилиянинг «Коринтианс» клуби билан икки йиллик шартнома имзолаш истагини билдирган 36 ёшли ҳимоячининг кетишига қаршилик қилмайд.

Едингизда бўлса, ўн мавсум давомида Мадриднинг «Реал» (Испания) жамоаси шарафини ҳимоя қилган Роберто Карлос «Фенербахче» тарихига 2007 йилнинг ёзида қўшилган эди.

Статистик маълумотларга кўра, республикада ҳар йили 15 мингга яқин ёнғинлар содир бўларкан. Фақат 2008 йилнинг ўзида ёнғинлар келтирган моддий зарар 4 млрд. сўмни ташкил этган. Юз берган ёнғинларнинг 80 фоиздан ортиги аҳоли турар-жойларига тўғри келиши ташвишли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг қуйи тизим Ёнғин назорати ходимлари томонидан мамлакатимиздаги корхона, муассаса, ташкилот ва ҳўжаликларнинг 40 минг 34 таси тўлиқ, 57 минг 294 тасида қайта ва 166 минг 806 тасида тезкор, бундан ташқари, турар-жойларда 5 миллиондан зиёд текширишлар ўтказилди.

Огоҳлик — давр талаби

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

Унинг натижалари бўйича ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузаётган, Ёнғин назорати хизматларининг кўрсатмаларини бажармаётган жавобгар шахслар ва фуқароларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Зудлик билан бартараф этилма-са ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган 22102 та корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 171 минг 706 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига

кескин чоралар кўриляпти. Бозорларда, фуқаролар гавжум жойларда, тижорат дўконларида пиротехника воситалари билан савдо қилишга чек қўйилмоқда. Тўй ва бошқа кўнгилочар маросимларда пиротехникадан ноқонуний фойдаланиш оқибатида ёнғин чиқиши хавфи ва бошқа бахтсиз ҳодисалар олдини олиш борасида дахлдор идора вакиллари билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, 2 мингдан зиёд рейдлар ўтказилиб, 200 мингдан ортис пиротехника воситаси белгиланган тартибда мусодара қилинди.

Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ёнғин хавфсизлиги ойланини ўтказиш ҳақидаги фармойиши талабидан келиб чиқиб, кенг қамровли профилактик ишлар давом эттирилмоқда.

Раъшан ШОДИЕВ

Халқаро ҳамкорлик

15 декабрь куни пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, суд-тиббий экспертиза Бош бюроси ҳамда АҚШ элчихонаси маркази ташаббуси билан суд-тиббий экспертиза хизматини ривожлантириш ва криминалистик лабораторияларни янада замонавийлаштиришга қаратилган илмий-амалий конференция ўтказилди.



СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ

мамлакатимизда йилдан-йилга ривожланиб бормоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда медицинанинг барча соҳаларида бўлгани каби суд-тиббий экспертиза хизмати ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Хозирда ушбу соҳага оид ҳар бир муассаса, яъни Бош бюро ҳамда уни жойлардаги ҳудудий муассасаларида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар фаолият юритмоқда.

Шунингдек, юртимиздаги медицина институтлари ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ўқув муассасаларида мазкур фанни ўқитиш йўлга қўйилган.

Ўзаро ҳамкорлик лойиҳаси асосида ўтказилган ушбу анжуманда соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Анвар Алимов, вилоятлар суд-тиббий экспертиза бюрослари мутахассислари, Мудофаа вазирлигининг суд-тиббий экспертлари, медицина институтларининг етакчи ўқитувчилари ва хорижлик таниқли профессорлар иштирок этди.

Унда асосан юртимиздаги суд-тиббий экспертиза лабораторияларини замонавий технологиялар билан янада бойитиш, уларда янги текширув усулларини жорий этиш ҳамда кадрлар тайёрлаш ўзисидан хорижлик мутахассислар билан ўзаро фикр

алмашилди. — Ушбу лойиҳа асосида республикаимиздаги суд-тиббий экспертиза лабораториялари хориждан келтирилган махсус жиҳозлар билан таъминланмоқда, —

Суд-тиббий — тиббиётнинг бир бўлими ҳисобланиб, дастлабки тергов ҳамда суд амалиётида юзага келадиган тиббий ва биологик муаммоларни ўрганади. «Суд тиббиёти» атамасини илк бор 1690 йилда немис олими Иоганн Бонн тавсия этган. Суд тиббиёти бир-биридан узокроқ соҳалар — тиббиёт ва ҳуқуқ фанларини ўзаро боғлайди.

дейди суд-тиббий экспертизаси Бош бюроси раҳбари Зайниддин Ғиёсов. — Хусусан, ўтган йили муассасамизга ўта сезгир ускуналар, жумладан, хроматома спектрометр, спектрофотометр ва энг сўнгги технологиялар бўйича яратилган микроскоплар келтирилди. Таъкидлаш жоизки, гиёҳванд моддалар истеъмол қилинганлигини аниқлашда уларнинг имкониятлари юқори. Бундан ташқари шу йилдан бошлаб Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳудудий лабораториялар ташкил этилди.

— Бугунги конференцияни ўтказишдан мақсад суд тиббиёти ва криминалистика соҳасини янада такомиллаштиришдир, — дейди

Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси доценти Шокир Бекназаров. — Бунда медицина институтлари ва олий ўқув юртинининг ҳуқуқшунослик факультетларида ушбу соҳанинг чуқур ўргатилиши муҳим аҳамиятга эга. Хозирги кунда биргина бизнинг кафедрамизда 20 га яқин малакали ўқитувчилар, профессорлар, фан номзодлари, доцентлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳада босқичма-босқичлик тамойилига амал қилинган, — дейди Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси Бобур Ёқубов. — Хусусан, жорий йилда суд-тиббий экспертиза Бош бюросида симсиз локал тармоғи ўрнатилган эди. Келгуси йилда эса уни вилоятлардаги филиалларда ҳам жорий этиш кўзда тутилган. Шунингдек, академиямизда талим олаётган талабалар ва кафедра ўқитувчиларининг хорижий мамлакатлардаги суд-тиббий экспертиза лабораторияларига бориб, ўзаро тажриба алмашиш аниқланадиган бўлади.

Дилшод НУРУЛЛАЕВ

КУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

Куйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қарши шаҳрида 200 ўқувчи ўринли болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши.

Бошланғич баҳоси: (ҚҚСсиз) — 1.834.741.933 сўм, (ҚҚС билан) — 2.201.690.320 сўм.

ЛОТ №1:

ЛОТ №1-1. Яқкабоғ туманидаги 150 ўқувчи қатновли 18-сонли мусика ва санъат мактабини капитал реконструкция қилиш.

Бошланғич баҳоси: (ҚҚС сиз) — 793.065.713 сўм, (ҚҚС билан) — 951.678.855 сўм.

Қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.

ЛОТ №1-2. Қарши тумани, Бешкент шаҳридаги 150 ўқувчи қатновли 7-сонли мусика ва санъат мактабини капитал реконструкция қилиш.

Бошланғич баҳоси: (ҚҚС сиз) — 344.318 сўм, (ҚҚС билан) — 898.013.180 сўм.

Қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

Иншоотларнинг бошланғич баҳоси

ақратилган лимит доирасида ўзгариши мумкин.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили — Қашқадарё вилоти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй. Тел/факс: (8-375) 227-13-51, 227-18-51.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, танлов савдолари предмети қўйиматининг қамиди 20 фоизи миқдорда айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, қўнжмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳоланда қонунчиликка мувофиқ, қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларини бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўйиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида катнашиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — «Ўздавархитекстқурилиш» қўйиматининг капитал қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзили: Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси кўчаси, 46-а уй. Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталарни) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталарни очилиш куни ва соатига.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Мулқчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатиغا!

9116-СОНЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМ

куйидаги иншоотга мудофаа ишларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлган пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Қашқадарё вилоти, Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган 2 қаватли бинони ҳарбий хизматчилар учун ётқононага мослаб қайта қуриш»

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 866567721 сўм, ҚҚСсиз — 722139767 сўм.

Қурилиш муддати — 5 ой.

Қурилиш ишлари Давлат бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети 20 фоиз миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйил-

ган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва қўнжмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳоланда мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига му-

вофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари катнашчиларининг танлов таклифларини баҳоланда кўрсатиб ўтилган солиқ сўммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода катнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5- уй, 18-хона.

Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куйи ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин куйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5- уй, 18-хона.

Фарғона вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 1 декабрь, 139-сонида берилган эълонда кўрсатилган «Фарғона вилоти ОИТСа қарши кураш маркази қурилиши» объектининг бошланғич нархи 792,964 млн. сўм (ҚҚСсиз), 951,233 млн. сўм (ҚҚС билан) деб ўқилишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

«Тошкентвино комбинати» ОАЖ номига 1998 йилда берилган 2784871126 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан 2009 йил 25 июнда Ким Кван Жин номига берилган 4312КорР-сонли меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқнома-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Publication information including BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta'tyana KISTANOVA, G'affor HOTAMOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, e-mail: info@uzbekistonovozi.uz, Navbatchi: Behzod SHUKUROV, Gazeta 'O'zbekiston ovozi'ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV, 'Sharq' nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi, Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy, Gazeta 'O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq, Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, 'O'zbekiston ovozi' materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, T - Tijorat materiallari, ISSN 2010-7633, O'za yakuni - 20.20, Topshirilgan vaqti - 00.10, 1 2 3 5 6 7 8, Setuvda erkin narxda